

# Journal of Natural Science

*No1 (6)  
2022*

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p><b>Бош муҳаррир –</b> У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p><b>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова,</b> PhD, доц.</p> <p><b>Масъул котиб-</b> Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.</li><li>2. Шилова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)</li><li>3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА</li><li>4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya</li><li>5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор</li><li>6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор</li><li>7. Насимов А– СамДУ к.ф.д., профессор</li><li>8. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор</li><li>9. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц</li><li>10. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.</li><li>11. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.</li><li>12. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф</li><li>13. Муродов К-СамДУ к.ф.н., доц.</li><li>14. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>15. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.</li><li>16. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц</li><li>17. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.</li><li>18. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)</li><li>19. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц</li><li>20. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)</li><li>21. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>22. Муминова Н-к.ф.н., доц</li><li>23. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</li><li>24. Инатова М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD)</li></ol>
<p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</b></p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

## ЗОМИН СУВ ҲАВЗАСИ ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

*Гўдалов Миркомил Равшанович ЖДПИ доценти*

[MirkomilGudalov78@gmail.com](mailto:MirkomilGudalov78@gmail.com)

*Равшанов Рамазон Собир ўғли ЖДПИ магистранти*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Зоминсув ҳавзасида баландлик минтақаларга боғлиқ ҳолда табиий ресурсларни жойлашуви ва унга таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Зоминсув ҳавзаси, Зомин миллий табиат боғи, табиий ресурс, юқори, ўрта ва қуйи оқимлар, антропоген юк.

Туркистон тизмасининг Шовқартоғ, Зоминтоғ ва Молгузар тоғларидаги қор ва музларнинг эриши ҳамда кўплаб булоқ сувларнинг ўзаро қўшилишидан Зоминсув дарёси ҳосил бўлади. Зоминсув ҳавзаси Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида денгиз сатҳидан 550 м дан 4300 м гача бўлган баландликда жойлашиб, ўзининг ноёб табиий шароити бўйича атрофидаги тоғли ҳудудлардан кескин фарқ қилади ва аниқ табиий чегарага эга. Туркистон тизмасининг шу ҳудуди, ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, юмшоқ иқлими ва барқ урган хилма-хил ўрмон ҳамда ўтлоқ ўсимликлари билан ажралиб туради. Паст, ўрта ва баланд тоғлардан то қорли чўққиларгача (Шовқартоғ-4030 м) жуда кўп хилма-хил экзотик ландшафтларни кўриш мумкин. Бунинг ўзига хос асосий сабаби, Зоминсув ҳавзасининг катта қисми Зомин миллий табиат боғига тегишлидир.

Зоминсув дарёси Ғарбий Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағирларидан бошланиб, мавсумий қор, ёмғир ва ер ости сувлари билан тўйинади. Юқори оқимида Еттикечув, Дуоба қишлоғи яқинида Санганаксой, Зомин шаҳарчаси юқори қисмидан бошлаб Зоминсув деб аталади. Ғарбий Туркистон тоғининг қарийб 2500 м баландликдаги шимоли-ғарбий ёнбағирларидан бошланувчи Ўрикисой, Галдиравўт, Еттикечув ва бошқа сойларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади ва Зомин миллий боғи ҳудудидан оқиб ўтади. Боғ ҳудудида Зоминсув дарёсини ўрганиш мақсадида, биринчи гидропост 1913 йилда Дуоба қишлоғида қурилган. Ҳудудда доимий сув оқувчи гидрографик тўр кам шаклланган. Зомин миллий табиат боғ майдонидаги ҳамма сойлар Зоминсув дарёси ҳавзасига тегишли. Бундай сойларга Кўлсой, Октош, Қизилмозор, Қашқасув, Еттикечув, Шарилдоқ, Ўрикли, Олмали ва Исмони кабилар мисол бўлади.

Зоминсув Ховос-Жиззах темир йўлига етмасдан Қўштамғали қишлоғидан 3,5 км жануби-шарқда тугайди. Узунлиги 58 км, ҳавзасининг майдони 704 км<sup>2</sup>

(Йўлдошев Н, 2012). Ўртача йиллик сув сарфи 1,83 м<sup>3</sup>/сек. (Дуоба қишлоғи яқинида), энг катта сув сарфи 16,8 м<sup>3</sup>/сек ни ташкил қилади (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал**

**Зоминсув дарёси ва ирмоқларининг йиллик сув сарфлари**

Дарёлар	Сув сарфлари м <sup>3</sup> /сек												Йил-лик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
Зоминсув	0.8 6	0.8 7	0.8 9	1.4 3	2.8 5	2.9 0	2.1 5	1.4 0	1.2 0	1.1 1	0.9 7	0.0 3	1.43
Ўрикли	0.2 2	0.2 1	0.2 1	0.3 9	1.0 9	1.1 3	0.5 8	0.3 7	0.3 1	0.2 9	0.2 6	0.2 3	0.44
Еттикечу в	0.5 2	0.5 3	0.5 3	0.8 7	2.2 3	2.6 6	1.5 8	1.0 0	0.7 2	0.6 9	0.6 0	0.5 2	1.04

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Зоминсув дарёси ҳавзасининг сувлари йил мобайнида нотекис тақсимланади. Сувнинг энг кўпайган вақти май – июн ойига тўғри келади, яъни қорнинг интенсив эриш ва энг кўп ёмғир ёғиш вақтига тўғри келади. Бу вақтда дарёдаги сув сарфи, йиллик ўртача сув сарфидан 10-15 марта ошиб кетади. Ноябрьдан март ойигача, ҳудуд дарёлари межен ҳолатида бўлиб, бу вақтда асосан ер ости сувлари билан озикланади.

Тўлинсув даври (апрель – август) да йиллик сув сарфининг 60 – 65 % оқиб ўтади, қишда баъзан қуриб қолади. Энг серсув ой – июнда ўртача сув сарфи 4,56 м<sup>3</sup>/сек га тенг. Зоминсувдан Зомин шаҳри, Дуоба, Еттикечув ва бошқа қишлоқлар сув ичади ва экин майдонлар суғорилади.

Зоминсув дарёсининг Дуоба гидропостида кузатилган сув сарфининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатади. 1991-2018 йиллар оралиғида максимал сув сарфи 2000 йилда кузатилган ва 57,3 м<sup>3</sup>/с ни ташкил этди. Уларнинг ўртача кўп йиллик миқдори 12,3 м<sup>3</sup>/с га тенг бўлиб, вариация коэффиценти  $C_v=0,98$  ни ташкил этди. Минимал сув сарфларининг энг кичик қиймати 1999 йилда кузатилган ва 0,25 м<sup>3</sup>/с ташкил қилган. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 0,74 м<sup>3</sup>/с га тенг бўлиб, вариация коэффиценти  $C_v=0,30$  га тенгдир.

Сангзор-Қирқ ва Зоминсув-Дуоба гидропостларида 1991-2018 йиллар оралиғи учун ҳисобланган максимал, ўртача ва минимал сув сарфлари турли хил кўрсаткичларга эга (2-жадвалга қаранг).

**2-жадвал**

**Сангзор-Қирқ ва Зоминсув-Дуоба сув сарфларининг асосий кўрсаткичлари**

Дарё-пункт	Максимал сув сарфи м <sup>3</sup> /с				Ўртача йиллик сув сарфи м <sup>3</sup> /с				Минимал сув сарфи, м <sup>3</sup> /с			
	макс	ўрт	мин	Св	макс	Ўрт	мин	Св	макс	ўрт	мин	Св
Сангзор-Қирқ	51,6 199 1	16	2,5 198 6	0,77	3,15 200 5	19	0,77 1986	0,37	1,04 200 4	0,4 7	0,13 1982	0,5 6
Зоминсув-Дуоба	57,3 199 0	12,3	2,94 200 1	0,98	3,48 199 8	2,1	1,04 1989	0,37	1,23 199 4	0,7 4	0,25 1989	0,3 0

2-жадвалда келтирилган ҳисоблаш натижалари Сангзор ва Зоминсув дарёларининг сувлиги, оқим кўрсаткичлари деярли бир-бирига яқинлигини кўрсатади ва унинг асосий сабаби дарё ҳавзалари табиий географик шароитларининг ўхшашлигидан келиб чиқади.

Зоминсув ҳавзасида баландлик минтақаларига боғлиқ ҳолда табиий ресурсларнинг миқдорида ўзгаришлар аниқланди. Жумладан, Зоминсув дарёсининг юқори оқимида ўсимлик ва ҳайвонларга бой, тупроғи унумдор ҳамда иқлими қулай ҳисобланади. Ўрта оқимида сўнги йилларда дам олиш масканларини кўпайиб бораётганлиги ҳисобига, антропоген омиллар таъсирида жонли табиатга зарар етказиш кўп кузатилмоқда. Зоминсув ҳавзасининг қуйи оқимида аҳоли манзилгоҳларнинг кўплиги, сув етишмаслиги ҳисобига ўсимлик ва тупроқлар деградация кузатилади.

Хулоса қилиб айтганда, Зоминсув ҳавзасидаги юқори ва ўрта оқимидаги дам олиш ҳудудларида табиатни соф ҳолда сақлаб қолиш, қуйи оқимида антропоген юкни камайтириш билан боғлиқдир. Зоминсув дарёси бўйида санитар зоналарни ташкил қилиш лозимдир. Жумладан, дарё қирғоқларини табиий ҳолда сақлаш ва сувини ифлосланмаслиги учун, қирғоқдан 100 метргача бўлган ораликда маъмурий бинолар қуришни олдини олиш ҳам муҳим ҳисобланади.

**Фойдаланган адабиётлар**

1. Алибеков Л.А. Зомин миллий боғи ва геоэкологик муаммолар ечимининг географик асослари. – Тошкент: Фан ва технология, 2013.
2. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996 й.

3. Оға Бургутли. Тоғ садолари. –Тошкент: “Меҳнат”, 1992 й.
4. Ғўдалов М. Р. Жиззах вилояти табиати ва уни муҳофаза қилиш. - Тошкент: “Фан ва технология”, 2014.
5. Ғўдалов М.Р., Мухамедов О.Л. Табиатни муҳофаза қилиш: муаммо ва ечимлар. Гулистон 2021 й.